* *Соғлом авлод учун*

# ОНА МЕҲРИ

80-йилларда (ҳатто яқинда ҳам) замонамизнинг етук, хос аёли қиёфаси тахминан шундай эди: зиёли, илғор меҳнатчи, жамоатчи, коммунист-атеист, умуман чарчаш нималигини унутган инсон ва яна... она. У оила, эр, қайнананинг кўнглини топади, келди-кетдини жойига қўяди, пазанда, чевар, қувноқ. Унинг либослари оддий (у мол-дунёга, ҳашамдор кийимларга қизиқмайди), ғоят камтарин. Муҳими—у озод, бахтиёр. Куннинг йигирма соати унинг ғайрат-шижоатига камлик қилади: шарафли меҳнати, замонаси берган бахти унинг пойига тўкилиб юради. Меҳнат синовларидан дадил ўтган қишлоқ аёлининг қадоқ қўллари, косов билаклари, қуёшда тўрлаган юзлари, сал эгик, аммо пишиқ қомати, ёрилиб кетган ва сира оқармайдиган ўкчалар, рангини қуёш еган либослари, йирик-йирик қадам ташлашлари, амалдорроқ аёлнинг эркакча аскиялари, қийқириб кулишлари... ҳам ўзига ярашган.

— Ҳаммаси рост, ҳеч муболаға жойи йўқ, — қоматига яраша дўриллоқ овозда таъкидлаган эди суҳбатдошим, донгдор пахтакор, Тошкент вилояти халқ ноиби Дилором опа, — ўзим иккита институтни битирган олий маълумотли аёлман. «Ман» деган эркакдан ўзимни кам ҳисобламайман. Давр юкини бирга тортаётганимиз, бунга яна оила ташвишларини қўшилиши бизга озгина «катта сўзлаш» ҳуқуқини беради. Вақт топиб йилда бир, икки бор Тошкентга келганимда, пардозхонага кираман. Менинг колхозчи аёлларимдан ажратиб турган нарса ҳам шу — шаҳарча сиёқим. Эҳ, ичим шундай қизийдики...

Инсон эзгуликка мойил қилиб яратилган. У хатога йўл қўяди. Хатолар эса унга ҳақ йўлни кўрсатиб беролса, қолган ҳаёти гўзал бўлажаги шубҳасиз. Биз ўтган йилларда «ҳақ» йўлга ишондик, яратдик, меҳнат қилдик, қурдик, фарзандлар ўстирдик, мамнун бўла олиш санъатини кашф қилдик. Сохта бахт яратиб бўлса ҳам ишониб яшадикки, бу кунларга соғ-омон етиб келдик. Менимча, камчиликларимизни такрорламаслик учун ҳар бир ўтган кундан, умрдан сабоқ олиб, янги кунга интилмоғимиз керак.

Истиқлол йўлида соғлом авлод, оналик ва болаликка салмоқли ўрин берилди. Ўзбекистонимизнинг обод эртасига ишонувчи дастурдан, ҳукуматимиз ва Президентимизнинг саъй-ҳаракатларидан қувонганим ҳолда кеча ва бугунни ҳоли қудрат таққослаб, мулоҳаза билдиришга журъат этяпман.

Қадимдан гап борки, агар фарзанд яхши одам бўлса— отасига раҳмат, ёмон бўлса — онасига лаънат экан. Ҳамма ёмон болалар ҳақида гап кетганда унинг ёмонлик жиҳатлари она наслидан ахтарилади, «Онаси фалончида ахир», дейишади. Чунки она насл хусусиятларини ташувчи экан...

Қадимдагидек ота-она олдида овозини баландлатишнинг ўзиёқ жаннат неъматларини оёқ ости қилиш билан баробар эканлигини ҳис қиладиган, ўз онаси ҳаққи-ҳурмати аёл зотига ҳурмат билан қарай оладиган фарзандларимиз кўпми? Аммо... Бу меҳрсизлик сабабини эса бевосита ўзимиздан ахтармоқ жоиз. Эртадан-кеч она бағридан йироқда, онанинг чиройли одобномалар йўғрилган эртакларию чўпчакларидан, ҳикояларидан йироқда, ўз ихтиёрича ўсган бола меҳрдан маҳрум қолади. У она овози, ҳикоядаги чиқарим-тушурумлардаги оҳанг орқали етиб келадиган руҳий озиқдан маҳрум қолади. Меҳр дегани фақат қорин тўқлигию усти бутунликда бўлганида эди, қўл остингиздаги ҳайвондан меҳрибонроқ махлуқ бўлмас эди одам учун.

...Аёл, кези келганда неча бор афсусланган: «болаларга қарайдиган одам йўқ, рўзғор бут бўлганида, жон деб болаларим билан шуғулланган бўлар эдим...» Кучингни, руҳиятингни кўча суғириб олади, қандай қилиб болага бағишлай оласан ўзингни? Момоларимиз болаларни ҳеч қачон ёлғиз қолдиришмаган. Гўдак ухлаб ётган ерда кимдир ўтирган, ҳеч бўлмаса бола ётган хона эшиги қия очиб қўйилган. Кундузи бегонанинг кўзи тушмасин, кечқурунларда жин-ажинанинг касри тегмасин, деб болалар ётган беланчагу бешиклар усти доим ёпиб қўйилган...

Соғлом жамиятни соғлом авлод қуради. Соғлом авлодни камол топтириш учун эса моддий ғамхўрлик билан бир қаторда маънавий тарбия— оналарнинг меҳр-муҳаббати зарур. **Онанинг фикри, меҳри, қўллари бошқа машғулотлардан камида эллик фоиз озод қилиниб, боласига бағишланмоғи керак. Кўп болали аёлнинг уйдаги меҳнати иш стажи сифатида ҳисобга олиниб, маълум миқдорда ойлик белгиланса, истиқлол йўлида (тарихларимиз кўрмаган) яна бир эзгуликка асос солинар эди.**

Соғлом она қиёфасини қизларимизнинг соғлом ва маънавий етук эртасида кўра олиш учун уларни оналикка тайёрлаб бормоғимиз зарур бўлади. Қизларимиз соғлиғига доимо кўз-қулоқ бўлишимиз, оғир дала меҳнатларидан, қадди-қомат эгиб бажариладиган ишлардан кўз қорачиғидек асрамоғимиз керак. Дала ишида ота-онага кўмаклашиш бошқа, ҳали шаклланмаган мурғак гавдани ёйдек эгиб, далани иккинчи уйга айлантирмоқ бошқа.

Қадим ота-боболаримиз қизларини беҳудага «она қизим», «онам» деб суйиб эркаламаганлар.

Ватанимиз эрк йўлларида илк қадамлар қўйяпти. Иншоолло, яқин келажакда жаҳон айвонида забардаст боболаримиз ўз муносиб ўринларини эгаллашади.

**Нақадар қадимсан,**
**ёшсан Туркистон,**
**Бўйларингга боқиб**
**тарқайди ранжим.**
**Рустаму достондек**
**кучга тўларсан,**
**Отам-онам, каъбам,**
**жигарим, ганжим.**

**Иморатлар ўсар, боғлар**
**кенгаяр,**
**Давраларда ўрнинг**
**чорлаб туражак.**
**Сулаймон узуги**
**бармоқларингда,**
**Манглайда тоъленинг**
**порлаб туражак...**

**Отам-онам, каъбам,**
**тарихим, шоним,**
**Орзуси ижобат**
**Ўзбекистоним.**
**Отам-онам, каъбам,**
**жигарим, жоним,**
**Муҳаммад уммати**
**Ўзбекистоним...**

Раъно РАҲМОН қизи,
журналист.

• *Спорт* •• *Спорт* • • *Спорт* •• *Спорт* •

# ЖОНКУЯРЛАР ОМОН БЎЛСА...

БИРИНЧИ ЛИГА жамоалари олий лигачилардан сўнг дастлабки довондан ошдилар. Бу табақада, аввал ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, Фарғона жамоалари яхши ўйин кўрсатиб, карвонбошилик қилишяпти. Албатта, бу «яхши ўйинлар» замирида футболга мутасадди вилоят раҳбарларининг роли бор. Улар ўз жамоаларининг муаммоларини иложи борича вақтида бартараф этиб, республика футболининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишяптики, бу, албатта, таҳсинга лойиқ.

Уларнинг ҳиссаси нималарда кўриняпти? Биринчи навбатда, юқорида айтиб ўтганимиздек, футбол жамоаларининг иқтисодий муаммоларини ижобий ҳал этишяпти ва шунингдек, ўйинчиларни ҳар бир учрашувда рағбатлантириш, моддий манфаатдорлигини таъминлаш йўли билан ўйин даражасини оширишга бош-қош бўлишяпти. Оқибатда бу ҳудудда футбол анча жонланди.

Спортнинг бу турига халқимиз азалдан қизиқади. Собиқ Иттифоқ биринчилиги тугагач, мухлислар қалбида бироз тушкунлик, республика биринчилигига совуққонлик билан қараш кайфияти пайдо бўлганди. Фарғона водийсида ана шу совуққонлик пардаси тезда кўтарилди. Республикамизнинг бошқа ҳудудларига қараганда бу ерда футбол майдонларига кўплаб томошабинлар келяпти. Негаки, Фарғона футбол жамоалари Ўзбекистон чемпионатига ўзгача мазмун, шиддат, соф ўйин кескинлигини бахш этяпти.

Олий лигада Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси карвонбошилик билан биринчи давра ўйинларини якунлаган бўлса, биринчи лигада ҳам ушбу вилоят жамоалари олдинда боряпти.

Марғилоннинг «Атласчи» жамоаси биринчи давранинг сўнгги турида ҳам пешқадамга хос ўйин кўрсатиб, ўз ҳамюртлари, боғдодликларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва 15 ўйиндан 13 тасида ғалаба қозониб турнир жадвалида биринчи бўлди. Улар рақибларига бор-йўғи икки очкони бой беришди. Фарғонанинг лигадаги иккинчи жамоаси — «Боғдодчи» эса 20 очко жамғариб, олий лигаға бериладиган иккинчи йўлланмага асосий даъвогар ҳисобланмоқда.

Шунингдек, «Сурхон», «Бахт», «Локомотив» жамоалари ҳам олий лигага чиқиш имконига эга. Сўнгги турда ҳар уч жамоа ғалабага эришди ва бир хил очко (19) тўплаб, 3-, 5-ўринларни ўзаро баҳам кўриб туришибди.

Биринчи давранинг сўнгги турида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Насаф» — «Сурхон» — 0:2, «Зарафшон» — «Прогресс» — 4:0, «Машъал» — «Ситора» — 3:0, «Олмалиқ» — «Локомотив» — 0:1, «Кимёгар» — «Маъданчи» — 3:0, «Шаҳрихон» — «Савай»— 1:1, «Бахт» — «Норин» — 1:0.

Бу табақа вакиллари ҳам олий лига каби икки ойлик танаффусга чиқдилар. Иккинчи давра ўйинлари 23 август куни бошланади.

Р. ЖУМАЕВ.

**БИРИНЧИ ЛИГА, БИРИНЧИ ДАВРАДАН СЎНГГИ ВАЗИЯТ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Атласчи»** | **15** | **13** | **2** | **0** | **40:13** | **28** |
| **2. «Боғдодчи»** | **15** | **8** | **4** | **3** | **25:16** | **20** |
| 3. «Сурхон» | 15 | 9 | 1 | 4 | 28:13 | 19 |
| 4. «Бахт» | 15 | 8 | 3 | 4 | 22:10 | 19 |
| 5. «Локомотив» | 15 | 8 | 3 | 4 | 21:13 | 19 |
| 6. «Машъал» | 15 | 5 | 5 | 5 | 27:25 | 15 |
| 7. «Норин» | 15 | 5 | 5 | 5 | 23:21 | 15 |
| 8. «Зарафшон» | 15 | 7 | 0 | 8 | 22:28 | 14 |
| 9. «Маъданчи» | 15 | 3 | 8 | 4 | 14:16 | 14 |
| 10. «Ситора» | 15 | 5 | 3 | 7 | 17:25 | 13 |
| 11. «Олмалиқ» | 15 | 4 | 5 | 6 | 12:18 | 13 |
| 12. «Кимёгар» | 15 | 5 | 2 | 8 | 17:25 | 12 |
| 13. «Прогресс» | 15 | 4 | 2 | 9 | 13:22 | 10 |
| 14. «Насаф» | 15 | 4 | 2 | 9 | 13:23 | 10 |
| 15. «Савай» | 15 | 3 | 4 | 8 | 15:30 | 10 |
| 16. «Шаҳрихон» | 15 | 2 | 3 | 10 | 15:24 | 9 |

# ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

ОЛИЙ ЛИГАДА ўтказилган 120 учрашувда дарвозалар 334 марта ишғол этилди. Бу — ҳар бир ўйинда дарвозаларга тахминан 2,79 марта тўп киритилди демак. Мезбонлар 72 учрашувда ғалаба қилиб, рақибларини 228 тўп билан «сийлашган» бўлса, меҳмонлар 22 ютуқ, 106 тўп билан жавоб қайтаришди.

«Нефтчи» биринчи давра сафар ўйинларида 10 тадан ортиқ очкони қўлга киритган ягона жамоадир. Шунингдек, бу жамоа чемпионатда йирик ҳисобда энг кўп ғалаба қилишга муваффақ бўлди. Улар ўз майдонида «Шифокор»ни 6:1, «Янгиер»ни 5:1, «Политотдел» ва «Динамо»ни 4:0, сафарда «Трактор»ни 3:0 ҳисобда мағлубиятга учратишди. «Пахтакор»да эса бундай ғалаба тўртта. МҲСК ҳозирча сафар ўйинларида энг йирик ҳисобда ғалаба қилган жамоа ҳисобланмоқда. Улар «Политотдел» майдонида мезбонлар дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритишди. Яна бир қизиқ томони шундаки, «Политотдел» мавсумда 5 марта ғалаба қозонган бўлса, шундан 3 таси йирик ҳисобда тугалланган.

Энг йирик ҳисобда ғалаба қилган жамоа ҳозирча «Нурафшон»дир. Бухороликлар «Шифокор»ни 8:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Бундан ташқари, «Шифокор» йирик ҳисобда мағлубият аламини тортишда рекорд натижага ҳам эга. Улар уч марта 6:1 ҳисобида ютқазишган.

Мухлислар гулистонликлар билан бўлган ўйинда дарвозалар энг кўп (56) ишғол этилишининг шоҳиди бўлишди. Агар бу масалага ўйингоҳлар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, энг кўп (33) тўп «Чирчиқ» ўйингоҳида, энг оз (25) тўп «Темирйўлчи» иштирокчилари ўйинида киритилган. «Трактор» ўйингоҳида мухлислар бор-йўғи 12 марта дарвозалар ишғол қилинишига шоҳиди бўлишган.

«Нефтчи» ва «Пахтакор» ўз майдонидаги учрашувларда энг «хасис»лик қилган жамоалардир. Улар меҳмонларини бирорта ҳам очко билан сийлашмади. Шунингдек, «Нурафшон», «Темирйўлчи», «Наврўз», «Навбаҳор» ва «Янгиер» ҳам ўз майдонида мағлубиятга учрамай, мухлислари олқишига сазовор бўлишди.

Тўплар нисбати бўйича энг яхши кўрсаткич «Нефтчи»да: +25, энг ёмон кўрсаткич «Шифокор»да: —32. «Шифокор» ва «Динамо» сафарда ҳали бирорта ҳам очко ололгани йўқ.

Тўпурарлар баҳсида «Пахтакор» жамоасининг ёш ва истеъдодли ҳужумчиси Шуҳрат Мақсудов олдинда боряпти. Сўнгги турда у «Политотдел» дарвозасига икки тўп киритиб, ўз ҳисобидаги голларни 12 тага етказди.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров, навбатчи — В. Норбоев.

# ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1993—1994 ўқув йилига кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Университетнинг барча мутахассисликлари ва бўлимларида талабаликка қабул қилиш тест усули билан амалга оширилади.

Ҳужжатлар кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларга 1993 йил 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади. Консультациялар 25 июндан 25 июлгача ўтказилади.

**Кундузги бўлим мутахассисликлари:**

Математика, тадбиқий математика, механика, физика, астрономия, кимё, биология, жуғрофия, қуруқликлар гидрологияси, геологияда қидирув ва разведка, геохимия, геофизика, экология, агрохимия ва тупроқшунослик, гидрогеология, фалсафа, социология, руҳшунослик, тарих, журналистика, рус филологияси, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти, ўзбек филологияси, хорижий филология (инглиз, немис, француз), иқтисод назарияси, иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш, халқаро иқтисодий муносабатлар, картография.

**Кечки бўлим мутахассисликлари:**

Математика, физика, кимё, биология, жуғрофия, тарих, ўзбек филологияси, рус филологияси.

**Сиртқи бўлим мутахассисликлари:**

Жуғрофия, қуруқликлар гидрологияси, фалсафа, тарих, журналистика, ўзбек филологияси, рус филологияси, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти, иқтисод назарияси, иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш, геологияда қидирув ва разведка, агрохимия ва тупроқшунослик.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ректор номига ариза, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), соғлиги тўғрисидаги 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3Х4 сантиметр катталикдаги 6 дона фотосурат. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кираётганлар (кечки, сиртқи) қайд этилган ҳужжатларга қўшимча равишда иш жойидан маълумотнома (меҳнат фаолиятига эга бўлганлар эса — меҳнат дафтарчасидан кўчирма) топширишади. Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ўқишга кирувчилар танлаган мутахассисликлари бўйича қуйидаги фанлардан тест синовлари топширадилар:

Математика, тадбиқий математика, механика, физика, кимё, астрономия, биология, геологияда қидирув ва разведка, экология, агрохимия ва тупроқшунослик, геофизика мутахассисликлари бўйича предмет блоклари — математика, табиий фанлар (физика, кимё, биология), она тили;

Жуғрофия, гидрогеология, социология, картография, иқтисод назарияси мутахассисликлари бўйича предмет блоклари — математика, социал билимлар (тарих, жуғрофия), она тили;

Қуруқликлар гидрологияси, геохимия мутахассисликлари бўйича предмет блоклари — табиий фанлар (физика, кимё, биология), социал билимлар (тарих, жуғрофия), она тили;

Фалсафа, тарих мутахассисликлари бўйича предмет блоклари — социал билимлар (тарих, жуғрофия), она тили, чет тили;

Руҳшунослик, халқаро иқтисодий муносабатлар, иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш мутахассисликлари бўйича предмет блоклари — математика, чет тили, она тили;

Журналистика, ўзбек филологияси, рус филологияси мутахассисликлари бўйича предмет блоклари — она тили, социал билимлар (тарих, жуғрофия);

Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича предмет блоклари — она тили, социал билимлар (тарих, жуғрофия);

Хорижий филология (инглиз, немис, француз) мутахассислиги бўйича предмет блоклари — чет тили, она тили.

Журналистика, ўзбек филологияси, рус филологияси, хорижий филология (инглиз, немис, француз) мутахассисликларига кирувчилар тест синовларидан олдин ижодий имтиҳон топширадилар.

Ижодий имтиҳонлар ягона кўп баллик баҳолаш тизими асосида 16 июлдан 22 июлгача қабул қилинади.

Умумтаълим фанлар бўйича тест синовлари Ўзбекистон Республикаси талаба танлов маркази томонидан ишдан ажралмаган ҳолда ўқиш шаклига киришда 26 июлда, кундузги бўлимга — 31 июлда бир кунда бўлиб ўтади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни ижодий имтиҳонлар ва тест синовларида тўпланган баллари асосида ўтказилади.

Университетга талабалар Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «1993/94 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига талабалар қабул қилиш ҳақида Низом» асосида қабул қилинади.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ қабул комиссияси.**

**Маълумот учун телефонлар: 46-02-26, 46-08-94.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

1993-94 ўқув йилига кундузги бўлимга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Гидромелиорация — сув хўжалиги муассасаларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш бўйича кенг ихтисосли сув хўжалиги муҳандислари;

— Гидротехника иншоотларини қуриш — гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш, мелиоратив насос станцияларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича гидротехник муҳандислар;

— Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш — сув хўжалиги муассасаларини қуришда ва ишлатишда қўлланиладиган қурилиш ва мелиоратив машиналарни лойиҳалаш, ишлатиш ва таъмирлаш бўйича механик-муҳандислар;

— Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш — деҳқончилик ва чорвачиликни механизациялаштириш бўйича кенг ихтисосли муҳандис-механиклар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш бўйича муҳандис-ўқитувчилар, қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлашни ташкил этиш ва унинг технологияси бўйича муҳандис-механиклар;

— Агросаноат комплекси соҳаларида иқтисод ва бошқарув — сув хўжалигида қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг иқтисодий ва ташкилий фаолияти учун агросаноат комплексида кичик корхоналарни ва уларнинг ишини ташкил этиш бўйича иқтисодчилар, сув хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва молиялаштириш бухгалтерлари;

— Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш-технологик жараёнларни автоматлаштириш ва қишлоқ, сув хўжалиги корхоналарида, пахта тозалаш заводларида фойдаланиладиган воситалардан фойдаланиш бўйича муҳандис-электромеханиклар, энергия билан таъминлаш, электротехник ва иссиқлик энергияси ускуналарини бошқариш, такомиллаштириш ва лойиҳалаш бўйича муҳандис-энергетиклар, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва насос станцияларида қўлланиладиган электр ускуналарни таъмирлаш ва эксплуатация қилиш бўйича муҳандис-электриклар;

— Ер тузиш — кенг ихтисосли ер тузувчи муҳандислар.

Ҳужжатлар 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади. Абитуриентлар учун консультациялар — 25 июндан 25 июлгача ўтказилади.

Ректор номига ёзилган ариза билан институтнинг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади; ўрта маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У намунадаги тиббий маълумотнома, 3Х4 см ўлчамли 6 дона фотосурат.

Фуқаролик ҳақида ҳужжат (паспорт) ва ҳарбий мажбуриятга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилиши керак.

Тест синовлари қуйидаги предметлар блоклари бўйича ўтказилади: қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш мутахассислиги бўйича-табиий фанлар (физика, химия, биология), математика ва она тили; қолган барча мутахассисликлар учун — математика, табиий фанлар (физика, химия, биология) ва она тили.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси талаба танлов маркази томонидан 31 июлда бир кунда бўлиб ўтади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан абитуриентларнинг тест синовларида тўпланган баллари асосида ўтказилади.

Институтга талабалар Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «1993/94 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига талабалар қабул қилиш ҳақида Низом» асосида қабул қилинади.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй.**

**Маълумот учун телефон: 35-75-21.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

1993—1994 ЎҚУВ ЙИЛИГА КУНДУЗГИ БЎЛИМИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларининг иқтисоди ва уни бошқариш, агрокимё ва тупроқшунослик, агрономия (**шу жумладан фермерлик ихтисослиги**), мевасабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, қишлоқ хўжалик экинларининг селекцияси ва генетикаси, зоомуҳандислик, ўрмон, боғ ва ҳиёбонларни кўкаламзорлаштириш.

Ҳужжатлар 20 июндан, 15 июлгача қабул қилинади. Абитуриентлар учун консультациялар — 25 июндан 25 июлгача ўтказилади.

Ректор номига ёзилган ариза билан университетнинг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусха), 3Х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат, 086/У андазадаги тиббий маълумотнома, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Тест синовлари қуйидаги предметлар блоклари бўйича ўтказилади:

— иқтисод ихтисослиги бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш; агросаноат мажмуи тармоқлари иқтисоди ва уни бошқариш бўйича математика, она тили ва ижтимоий фанлар (тарих, география);

— агрономия ихтисослиги (агрокимё ва тупроқшунослик; агрономия (**шу жумладан фермерлик**); мева-сабзавотчилик; ўсимликларни ҳимоя қилиш; ипакчилик; қишлоқ хўжалик экинларининг селекцияси ва генетикаси; зоомуҳандислик; ўрмон, боғ ва ҳиёбонларни кўкаламзорлаштириш) бўйича табиий фанлар (химия, физика, биология), математика ва она тилидан.

Умумтаълим фанлари бўйича тест синовлари Ўзбекистон Республикаси талаба танлов маркази томонидан — 31 июлда бир кунда бўлиб ўтади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни тест синовларида тўплаган баллари асосида ўтказилади.

Университетга талабалар Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «1993/94 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига талабалар қабул қилиш ҳақида Низом» асосида қабул қилинади

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент 700183, ТошДАУ (19, 49, 83, 96, 156, 167, 491-автобуслар ва 15, 28, 52, 53 — маршрут таксиларнинг «Тошкент Давлат аграр университети» бекати).**

**Маълумот учун телефон: 63-76-00.**

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001 Буюртма Г—131. 107.858 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди: 23.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6